Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 28 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 33 (7126)

Da`vat

Сувсиз ҳаёт бўлмас,
Меҳнатсиз роҳат.

Ўзбек халқ мақоли

Ibrat

Олтиариқ туманидаги 9-умумтаълим мактабининг аълочи ўқувчиларига физика, математика ва астрономия фанлари номзоди Абдуҳолиқ Қорабоев ҳар чоракда 2200 сўмдан мукофот пули бериб бормоқда.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва статистика вазири, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари, «Маҳалла» республика ва вилоят жамғармалари раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлди.

• Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг уй-жой-коммунал хизматлар ва электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганига бағишланган йиғилиш бўлди.

• Банк тизимининг ўтган биринчи чоракдаги иш фаолияти якунлари ҳамда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар Марказий банкнинг кенгайтирилган Бошқарув мажлисида муҳокама этилди.

• РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, Молдовада ўқитувчилар иш ташлаши натижасида 700 га яқин мактабда дарс ўтиш жараёни тўхтаб қолган.

• Бугунги кунда Америка Қўшма Штатлари муомалага чиқарган 450 миллиард доллардан учдан икки қисми мамлакатдан ташқарида юрибди.

• Македонияда яшаётган косоволик қочқинларнинг 150 нафари Нидерландиянинг Эрмело шаҳрида қочқинлар учун махсус тайёрланган уйларга жойлаштирилди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВАШИНГТОНДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

ВАШИНГТОН. 26 апрель. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш учун АҚШга сафар қилаётиб, 23 апрель куни Амстердам шаҳрида тўхтаб ўтди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван ден Брук билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи Вашингтонда "Умид" жамғармаси йўналиши бўйича Америка олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талаба ёшлар билан учрашувдан бошланди. Учрашув 24 апрель куни мамлакатимизнинг АҚШ пойтахтидаги элчихонасида бўлиб ўтди.

Шу куни Ўзбекистон элчихонасида Президент Ислом Каримов Грузия, Украина, Озарбайжон ва Молдова давлат раҳбарлари билан учрашди. Маълумки, мазкур тўрт давлат минтақа доирасида транспорт коммуникацияси, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини (ГУАМ) тузишган. Вашингтонда ушбу ташкилот аъзолари сони яна биттага ортди — унинг таркибига Ўзбекистон ҳам қўшилди. Бу минтақавий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Вашингтондаги мулоқотида томонлар Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагини ривожлантириш борасида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олдилар. Бу Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ғоясини амалга оширишда муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

Вашингтонга сафар чоғида Ислом Каримов АҚШ "Эксимбанки" президенти Ж.Ҳермон билан учрашди. Мулоқотнинг бош мавзуи Ўзбекистоннинг бу йирик молиявий муассаса билан ҳамкорлиги масаласи бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ўрта Осиё ва Кавказ мамлакатлари давлат раҳбарларининг АҚШ сенаторлари гуруҳи билан учрашувида ҳам иштирок этди. Маълумки, АҚШ Сенатида Буюк Ипак йўли бўйича қонун қабул қилиниши кутилмоқда. АҚШ сенаторлари билан учрашувда давлатимиз раҳбари бундай саъй-ҳаракатни қўллаб-қувватлаяжагини айтиб, фикр билдирди.

25 апрель куни Президент Ислом Каримов Вашингтоннинг қоқ марказида жойлашган "Рейган билдинг" саройида НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган саммитнинг ялпи мажлисида иштирок этди ва сўзга чиқди. Вашингтонга НАТОга аъзо 19 давлат ҳамда унга қўшилмаган, лекин альянс билан изчил ҳамкорлик қилаётган 23 мамлакат вакиллари ташриф буюрган. Ялпи мажлисда келаси асрда НАТОни ривожлантиришнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи кўриб чиқилди. Айтиш мумкинки, Шимолий Атлантика ҳарбий блоки XXI асрда хавфсизликнинг энг ишончли омилларидан бири бўлишга интилмоқда. Саммитда ташкилот сафини кенгайтириш ва ҳамкорлар билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам шундан далолат беради.

Шу куни давлатимиз раҳбари Жаҳон банки гуруҳи президенти Ж.Вулфенсон билан ҳам учрашди. Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ташрифнинг 25 апрель куни дастуридан жой олган яна бир муҳим воқеа — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ўртасида бўлиб ўтган учрашувдир. Ўзаро мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, икки томонлама сиёсий-иқтисодий муносабатларни янги поғонага кўтариш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Шу куни кечқурун давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг даромадлар ва харажатлар бўйича қўмитаси раиси Б.Арчерни қабул қилди.

Бугунги кун дастуридан ҳам иккита муҳим учрашув ўрин олган. Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонасида Президент Ислом Каримов дастлаб Халқаро Валюта Жамғармаси бошқарувчи директорининг ўринбосари Ш.Сугисакини қабул қилади. Президентимиз, шунингдек, АҚШ давлат котибининг Жанубий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси К.Индерфурс билан ҳам учрашади.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон раҳбари НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган йирик халқаро тадбирда иштирок этиши билан бирга, уч кун давомида ўнга яқин учрашувлар ўтказгани ташрифнинг нечоғли қизғин ва самарали кечганидан далолат беради. Бўлиб ўтган учрашувларнинг аҳамияти шундаки, улар Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари, шунингдек, Ўзбекистон билан турли нуфузли халқаро ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

* * *

27 апрель куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вашингтондан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА)

Суратда: Ислом Каримовнинг «Умид» жамғармаси йўналиши бўйича АҚШ олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талаба ёшлар билан учрашувидан лавҳа.

Ўқитувчи ён дафтарига

ЯНГИ МАНБА

Энергетик танглик ҳолати дунё тадқиқотчиларини янги ёқилғи манбаларини излаб топишга ундамоқда. АҚШда ясалган бир велосипед тури ҳам бунинг ёрқин мисолидир. Мазкур велосипед соябонига ўрнатилган 360 та кремний элементи қуёш нурини электр энергиясига айлантириб, 140 вольтли қувват ҳосил қилади. Бу қувват велосипеднинг соатига 25 километр тезликда ҳаракатланиши учун имкон яратади.

МАХСУС ҚАЛАМ

Француз ихтирочилари Жак Саго ва Жерар Павар кўзи ожиз кишилар фойдаланиши учун ғоятда қулай бўлган махсус сиёҳ ихтиро қилишди. Брайл алифбосидан кейинги муҳим ютуқ деб баҳоланаётган бу сиёҳ ёзгандан сўнг тезда қурийди ва ўрнида бармоқ ёрдамида ўқиш мумкин бўлган қабариқ ёзув пайдо қилади.

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГ

Угандада худди шу чақириқ билан мактаб ва боғча болалари ҳуқуқини ҳимоя қилувчи матбуот гуруҳи иш олиб бормоқда. Қизиғи, гуруҳ аъзолари болаларни тарбиячилардан ва ўқитувчилардан ҳимоя қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган. Хабарларга қараганда, бу давлат таълим муассасаларида тарбия топаётганларнинг ҳуқуқлари поймол этилиб, уларга нисбатан жисмоний жазо қўлланилиши барҳам топмаётганлиги мазкур гуруҳнинг тузилишига асосий сабаб бўлган.

68 ЙИЛЛИК САБОҚ

Перулик Мануэл Умала университетда энг узоқ таҳсил кўрган талаба сифатида дунёда ягона бўлса, ажабмас. 21 ёшида «Сан Маркос» дорилфунунига ўқишга кирган Мануэл сабоқни 89 ёшида, яъни орадан 68 йил ўтгачгина тугаллашга муваффақ бўлди. Бу «толиби илм»нинг таъкидлашича, турмушдаги турли ташвиш ва қийинчиликлар унинг ўқишни ўз вақтида тамомлаши учун моъанелик қилган.

Hay`at yig'ilishida

МУАММОНИНГ ЖОЙИДАГИ ЕЧИМИ

ёхуд бу йўлнинг самараси хусусида

Ҳозирда қўйилаётган янгича талаблар ўз-ўзидан уларни бажариш билан боғлиқ тадбирларимизни ҳам ўзгача бир кўринишда ташкил этишимизни талаб этмоқда. Айниқса жойлардаги мавжуд муаммоларни марказга олиб келиш эмас, балки уларга яқинроқ бориб, иложи борича уларни келтириб чиқараётган омилларга ёки бўлмаса ҳал этилишига тўсқинлик қилаётган унсурларга барҳам бериш йўлини тутмоғимиз тақозо этилмоқда. Халқ таълими вазирлигининг ўтган ҳафта сўнгида Жиззах вилоятида бўлиб ўтган кўчма ҳайъат йиғилишидан кўзланган мақсад айнан шундай эди.

ЯНГИ АСРГА ИШОНЧ ВА УМИД БИЛАН

Республикамиз Президенти Ислом Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган маърузасида тобора яқинлашиб келаётган XXI асрни қандай ютуқлар билан қаршилашимиз ва унинг илк йилларида қандай вазифалар зиммамизда бўлиши ҳақида ёрқин тушунча берди. Ҳайъат мажлисининг биринчи масаласи ҳам айнан шу маърузани таълим муассасаларида ўрганиш, ундан келиб чиқадиган тегишли вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари хусусида бўлди.

— Маълумки, XXI асрнинг илк йилида таълим ислоҳотларини амалга оширишда бош ҳужжатлардан бири бўлган — «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг иккинчи босқичи бошланади, – деди ҳайъат раиси, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, — бу эса биринчи босқичда бажаришимиз лозим бўлган ишларимизнинг ўтган даврга нисбатан қанчалик даражада бажарилганлигини ҳамда қолган муддатда уддалаш кўзда тутилган ишларни яна бир бор ҳисоб-китоб этишни талаб этади. Бунинг учун албатта, Президентимизнинг Олий Мажлисинг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзусидаги маърузасини барча педагогик жамоалар, талабалар ва ўқувчилар ўрганиб чиқишлари керак. Негаки, янги аср сари илдамлаётган мамлакатимиз ёшлари бутун жаҳондаги тенгдошлари каби янада юксак ишонч ва янгидан-янги умидлар билан уни қаршиламоғи даркор. Маърузадаги халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича қилинган чуқур таҳлил ва истиқболли режалардан бохабарлик ҳам педагоглар, ҳам ўқувчилар қалбида шундайин шижоатни ва кўтаринкликни пайдо этади.

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан бўлиб ўтган муҳокамалардан сўнг у билан боғлиқ кўпгина амалий тадбирлар белгилаб олинди. Жумладан XIV сессия материалларини таълим муассасаларининг ўқув дастурларига киритиш, олиб борилаётган тажриба-синов дастурлари натижаларини чуқур таҳлил этиш ва уларга зарур тузатишлар киритиб янги ўқув йилидан таълим тизимига жорий қилиш асосий масала сифатида қайд этилди. Шунингдек, ушбу ўқув режалари ва дастурларига ҳамоҳанг дарсликлар яратиш ҳамда улар асосида ёшларга билим берадиган юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш шу куннинг долзарб вазифаси эканлиги таъкидланди.

ҲОКИМ МАКТАБЛАРГА БОРДИ

Кўп маротаба хизмат сафарига чиқиб, ҳали бирор марта туман ҳокими билан биргаликда мактабларга бормаган эканмиз. Ҳайъат аъзолари гуруҳи билан Жиззах туманига борганимизда шу туман ҳокими Парда Шукуров биз билан бирга мактабларни айланди. Албатта бу билан биз ҳоким илк бор мактабга борди, демоқчимасмиз. Чунки Парда аканинг ҳар бир мактаб директорини таниши ва илм маскани муваффақиятию муаммоларидан хабардорлиги бундай дейишдан бизни тийди. Хурсанд бўлганимиз эса Президентимизнинг жойлардаги раҳбарларга қарата мактабларга боришни, улар ҳолидан хабар олишни ўқтираётганлиги уқилганлигида эди. Бундан таълим кўп наф кўради.

Дарвоқе, кўчма ҳайъат кун тартибидаги иккинчи масала – вилоятда касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Ташҳис марказларининг ташкил этилганлиги ва улар фаолиятини яхшилаш масаласи эди.Мақоланинг бошида айтганимиз — ўзига хослик айнан шу масалани ўрганиш жараёнида аён бўлди.

(Давоми 2-бетда)

Xotira

ЁДИМИЗДА ВА ҚАЛБИМИЗДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг 9 майни — «Хотира ва Қадрлаш куни» сифатида нишонлаш тўғрисидаги ташаббуси ва пойтахтимизда Хотира майдони барпо этилаётгани кўпчилик қатори мени ҳам руҳлантириб юборди. Зеро, ўз ҳаёт йўли, фидойилиги билан бошқаларга ўрнак бўлган инсонлар, яқинларимиз, ёру-биродарларимиз хотирасини ёдга олиш, одамзоднинг ҳам инсонийлик, ҳам фуқаролик бурчидир. Бу айниқса мустақил юртимизда кишилар маънавиятини юксалтиришда, келажак авлод тарбиясида катта аҳамият касб этиши табиий.

Мактабимиз жойлашган Чувалачи қишлоғида иккинчи жаҳон урушида мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган, шунингдек қишлоқ равнақи, эл фаровонлиги йўлида жонбозлик кўрсатган, ҳамда ўз вақтида таълим-тарбияга муносиб ҳисса қўшган муаллимлар ҳаётини ўқувчиларга ўрнак қилиб кўрсатиш, уларнинг порлоқ хотирасини абадийлаштириш мақсадида савобли ишга қўл урилди. Яъни, барча синфларга ана шундай кишилар номи қўйилди. Масалан, 6-«Г» синфи кўп йиллар Навоий номидаги жамоа хўжалигига раислик қилиб, хўжаликни оёққа турғизиш, турмуш тарзини яхшилаш учун бор куч-ғайратини аямаган Бошқарбой Нишонов номи билан аталмоқда.

Ҳудди шунга ўхшаш 4-«Д» синфи жамоа хўжалиги фаолларидан бири Муллавой Соипов, 7-«Д» синфи мактабимизда 25 йилдан ортиқ ишлаб, катта обрў-эътибор қозонган Маҳаматжон Қиргизбоев, 9-«Б» синфи эса кекса зиёкор Манноп Раззоқов номи билан юритилмоқда.

Ҳар бир синф раҳбари томонидан ўқувчилар қўмагида «Маърифат бурчаги» ташкил этилиб, ундаги жиҳозларни, яъни, синфга номи қўйилган инсонлар ҳақидаги маълумотлар, таржимаи ҳол, суратларни болаларнинг ўзлари тўплашди. Бу эса уларнинг ўзлари яшаётган қишлоқ тарихини ўрганиш, жамоа хўжалиги тикланиши ва юксалишига муносиб ҳисса қўшган кишилар, зиёкорларни билиб олишларида муҳим омил бўлаётир.

Шу ўринда мактабимизда маҳалла оқсоқоллари, меҳнат фахрийлари ва кекса муаллимлар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этаётганимиз ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўтганлар хотираси жамоамиз ва ўқувчилар томонидан ёдга олинмоқда.

Ғофирхон ҲУСАНОВ,
Тошкент тумани Турғун Қодиров номидаги 15-ўрта мактаб директори

Yangilik

«ЎЗБЕКИСТОН МАЪРИФАТПАРВАРЛАР ЖАМИЯТИ» — ЖАДИДЛАР ВОРИСИ

Кимни ҳақиқий маърифатпарвар дейиш мумкин? Жадид боболарни нега маърифатпарвар дейишган?

Бу саволларга турли нуқталардан туриб турлича жавоб бериш мумкин. Дейлик, улар болаларни ўқишга, илм олишга даъват қилишган. Ўзлари дарслик ёзишган, ўз ҳовлиларида мактаб очишган. Газета-журналлар чиқаришган, кутубхоналар барпо этишган. Бунга мустамлака давлат тузуми ва жаҳолат ботқоғига ботган маҳаллий бой ва дин пешволари турли йўллар билан қаршилик қилишган. Бироқ жадидлар мустамлакада эзилаётган миллатимизни озодликка олиб чиқадиган йўл — маърифат йўли эканлигини англаб ҳар қандай тазйиқларга қарамай шу мақсадларида собит туришган.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон раҳбари НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган йирик халқаро тадбирда иштирок этиши билан бирга, уч кун давомида ўнга яқин учрашувлар ўтказгани ташрифнинг нечоғли қизғин ва самарали кечганидан далолат беради. Бўлиб ўтган учрашувларнинг аҳамияти шундаки, улар Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари, шунингдек, Ўзбекистон билан турли нуфузли халқаро ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

* * *

27 апрель куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вашингтондан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА)

Суратда: Ислом Каримовнинг «Умид» жамғармаси йўналиши бўйича АҚШ олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талаба ёшлар билан учрашувидан лавҳа.

баҳсга кириша оладиган миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган замонавий дунёқараш ва билимларга эга бўлган, ватанпарвар ва маърифатли инсонларни тарбиялаш ишига кенг жамоатчиликни сафарбар этиш, бу йўналишдаги ишларни тарғиб этиш, маърифат соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишдан иборат»дир.

Ана шу мақсадни амалга ошириш учун маърифатпарварлар ўз олдига қатор вазифаларни белгилаб олди. «Жадид боболаримиз маърифатпарварлигининг асосий ғоялари, таълим тизимини янгилаш йўлида улар тўплаган тажрибалар, жадидларнинг ҳаракат дастуридаги асосий йўналишларни ўрганган ҳолда замонавий маориф ривожи ҳамда халқимизнинг истиқлолга эришуви йўлидаги фаолиятларини давом эттиримиз қузатилган салбий ҳодисаларга қарши курашиш, хусусан, ёт ғоялар, бегона мафкуравий таҳдидлар, ёш авлоднинг маънавий - маърифий камолотига хавф солувчи турли қарашларга қарши курашда маърифатнинг муносиб ўрнини кўрсатиб беради. Ёки бўлмасам яна бир долзарб вазифа – таълим-тарбия, маърифат масалаларига кенг жамоатчилик диққатини жалб этиб, кишиларда маърифатпарварлик туйғуларини ошириш, уларда мактаб, маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалик фазилатларини кучайтиришда ҳам мазкур жамият аъзолари фаол бўлишлари талаб этилади. Бу жамиятга ўзини маърифат жонкуяри деб ҳисоблайдиган барча касб эгалари аъзо бўлиб киришлари мумкин.

Бугун ҳур Ўзбекистон ривожланган, тенглар ичра тенг бўлиши, мустақиллигини мустаҳкамлаши учун ҳам яна маърифатга таянмоқда. Ўзбекистон раҳбарининг «Куч— билим ва тафаккурда» деган машҳур даъвати остида ҳаётга тадбиқ этилаётган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий мақсади боболар орзусига ҳамоҳанг эканлигини барча ҳис қилиб турибди.

Яқинда ўз таъсис конференциясини ўтказган «Ўзбекистон маърифатпарварлар жамияти» жадидларнинг илғор ғояларининг давомчиси сифатида жамиятнинг асосий мақсади: «Халқимизнинг маърифий маданиятини юксалтириш, ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан риш, уларнинг ворислари сифатида юксак маърифат ва маданият учун курашиш, миллий истиқлол ғояларини ёш авлод шуурига сингдириш» жамиятнинг асосий вазифаларидан биридир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» давлатнинг бош ҳомийлигида амалга оширилмоқда. Бироқ фақат давлатга қараб ўтириш тўғри бўлармикин? Ҳур давлатда яшаётган бўлсак. Давлат раҳбари бундай савобли ишга ўзи бош бўлиб турган бўлса. Ахир жадидларни яна бир бор эсланг. Миллий дастур барчанинг иштирокисиз тўкис амалга ошмайди. Хусусан, нодавлат, нотижорат ташкилот ҳисобланмиш «Маърифатпарварлар жамияти» аъзоларининг иштироки ҳам сезиларли бўлиши лозим.

Жамиятнинг олдига қўйган вазифалари жуда кўп. Бугун ҳаётимизда

Жамият раислигига таниқли жадидшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов сайланди. Раис ўринбосарлигига яна бир жадидшунос олим, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири Иброҳим Ғафуров сайланди. Шунингдек, бошқа ташкилий масалалар ҳам кўрилди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова иштирок этишди ва сўзга чиқишди.

Ҳ.САИДОВ

МУАММОНИНГ ЖОЙИДАГИ ЕЧИМИ

ёхуд бу йўлнинг самараси хусусида

(Боши-1-бетда)

Аввало шуни таъкидлаш керакки, ҳайъат мажлисига ушбу йўналиш бўйича ҳисобот тайёрлаш мақсадида бундан ўн кунча олдин вилоят мактаб ва халқ таълими бўлимлари фаолияти текширилган эди. Бир талай камчиликлар, муаммолар ҳам аниқланган. Улар асосан марказлар учун алоҳида хоналар, уларда керакли жиҳозлар йўқлиги, ўқув адабиётлари, методик тавсиялар, қўлланмалар камлиги, мутахассис кадрлар етишмаслиги бўлган. Албатта ўтган ўн кун ичида уларнинг айримларини бартараф этиб бўлмайди. Масалан, барча жойда ҳам шу кунларда эҳтиёж катта бўлган психолог, аниқроғи мактаб психологи ёки дефектолог, болалар шифокори каби мутахассислар масаласи. Лекин ҳайъат аъзоларидан ташкил топган гуруҳларнинг жойларда аниқ аҳволни ўрганганларидан сўнгги хулосасига кўра нисбатан қисқа муддат ичида салмоқли ишлар қилинган. Муҳими бу ишга барчанинг эътибори жалб этилганлиги, фаол ҳаракатнинг бошланганлигидир.

—«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» олдимизга шундай бир вазифалар мажмуини қўйдики, — деди Жўра Йўлдошев, — уларнинг ҳар бирини виждонан, ўз вақтида бажармасак кутилаётган якуний натижага эриша олмаймиз. Жойларда ташкил этилаётган Ташҳис марказлари ҳам бу ўринда энг муҳим нуқталардан бири. Чунки у болага ҳам руҳан, ҳам жисмонан, ҳам маънан ташҳис қўяди ва унинг кейинчалик ривожланишини мунтазам назорат қилади. Ўрта умумтаълим жараёнида эса ўқувчининг қобилияти, иқтидори ва салоҳиятини аниқлаб олиб, унга таълимни давом эттиришдаги ўзига мос йўлини ойдинлаштириб беради.

Ушбу масала юзасидан ҳайъат аъзолари гуруҳи раҳбарларининг Жиззах вилоятининг барча туманларида ўтказилган текширишлар натижалари бўйича ҳамда ХТВ касбга тайёрлов, таълимни компьютерлаштириш ва маркетинг бошқармаси бошлиғи Сойибжон Алиевнинг умумий ҳисоботи тингланди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Гуландом Субҳонова кўрсатиб ўтилган камчилик ва муаммоларни ҳал этиш борасида қилинажак амалий ишлар хусусида тўхталди. Ҳайъат аҳли ушбу ҳолнинг нафақат Жиззах вилоятига балки Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига ҳам тегишли эканлигини таъкидлади. Жойларда тез кунларда ушбу марказлар фаолиятини кўнгилдагидек йўлга қўйиш, уларни имкон қадар мутахассис-кадрлар билан таъминлашнинг тезкор чоралари кўрилиши лозимлиги қатъий қилиб қўйилди.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

Таълимда дарсликлар ва қўлланмаларнинг муҳим восита эканлиги, улар мазмунининг эса ўқувчи шахсининг шакланишига қанчалик таъсир этиши кундай аён. Шу боис мустақилликка эришганимиздан буён уларни янгилаш жараёни кечмоқда. Кўчма ҳайъат мажлисининг учинчи масаласи ҳам дарсликлар хусусида бўлди.

1-синфдан 11-синфгача 1098 та мавжуд дарсликлар ва қўлланмалардан 712 таси махсус экспертизадан ўтказилиб, шулардан 586 таси яроқли ёки шартли яроқли деб топилган. Бу хулоса биринчидан янгиланиш жараёнининг бунданда тез давом эттирилишини талаб этса, иккинчидан илм масканларида маънан эскирган дарслик ва қўлланмалардан фойдаланишдан огоҳ бўлишга чақиради. Шу боис Республика Халқ таълими вазирлиги 1999-2000 ўқув йилида умумтаълим мактаблари учун тавсия этиладиган дарсликлар ва қўлланмалар рўйхатини тасдиқлади (яқин кунларда «Маърифат» газетасида улар рўйхати билан танишишингиз мумкин). Шу билан биргаликда тегишли мутасаддиларга нашр этишга тайёр бўлган дарслик ва қўлланмаларни тез кунларда чоп эттириш, жойларга етказиш вазифаси юкланди.

ДОИМИЙ НАЗОРАТДАГИ МАСАЛА

Ҳар бир ҳайъат мажлисида Халқ таълими вазирлиги давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси томонидан олиб бориладиган таълимга оид Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари ва ХТВ меёрий ҳужжатлари ижроси ҳамда ислоҳотларнинг амалга ошуви мониторинги масаласини кўриб чиқиш йўлга қўйилган эди. Бу галги йиғилишда «Янги ўқув дастурларини синовдан ўтказиш аҳволи ва уларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала кун тартибида бўлди. Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси ходимлари физика, чизмачилик, давлат ва ҳуқуқ асослари фанларидан янги ўқув дастурларининг тажриба-синовдан ўтказилиши аҳволининг мониторингини амалга оширдилар.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, ўқувчилар билими сифати ягона тизим билан баҳоланмаётганлиги ва бу иш мақбул бир механизмга таянилиб амалга оширилмаётганлиги кўп ҳолларда натижалардан холис хулоса чиқариш имкониятини пасайтирмоқда. Шунингдек, таълим стандартлари ва дастурларда айрим ҳолларда номувофиқликлар учрамоқда. Ўқувчилардан олинаётган назорат ишлари турлари, уларни ўтказиш тартиблари ҳам қатъий ишлаб чиқилмаган. Аниқланган ушбу камчиликлар юзасидан мутасадди бўлган ташкилотлар зиммасига аниқ топшириқлар берилди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра ҳозирда маълум фан бўйича тажриба-синов дастурлари асосида таълим олаётган синфлар кейинчалик ҳам шу зайлда назоратда ушланиб туриши керак. Негаки якуний натижа, яъни умумий ўрта таълимда ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар мажмуи даражасининг қанчалик эгаллаганлиги шундагина маълум бўлади.

БИР КУННИНГ ХУЛОСАСИ

Халқ таълими вазирлиги ҳайъати аъзоларининг Жиззах вилоятидаги фаолияти эрталаб 9.00 дан кеч 18.00 гача давом этди. Кўчма ҳайъат мажлисининг якуний йиғини Галлаорол туманида бўлиб ўтди. Унда Жиззах вилояти ҳокими Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

— Бугунги кунда таълим-тарбия борасидаги кўрсатгичлар қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа соҳалардаги кўрсатгичлар билан баробар даражада кўрилмоқда, — деди Ш. Мирзиёев. – Бу аввало, Президентимизнинг ушбу соҳага эътибори кучлилиги, мамлакатимиз тараққиётини айнан таълим-тарбия ривожи билан узвий боғлаган ҳолда яққол тасаввур этаётганлигидандир. Сизларнинг бугун вилоятимизга келиб, таълим-тарбия масканларимиздаги аҳволни биз билан бирга ўрганиб, керакли йўл йўриқлар кўрсатганликларингиздан миннатдормиз. Бу бизга янада фаолроқ бўлишга, мавжуд муаммою камчиликларимизни аниқ белгиланган амалий тадбирлар ёрдамида бартараф этишга кўмак бўлади.

Халқимиз топиб айтган «Минг бор эшитгандан, бир бор кўрган маъқул» дея. Бу галги кўчма ҳайъат қарорлари уларнинг ижрочиларига қоғозларда эмас, балки тўғридан-тўғри етиб борди. Ва кўпгина муаммолар ечими жойида топилди.

Абдусамат РАҲИМОВ

АНЖУМАН ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

Ўзбек тилининг давлат тили мақомини олиши, унинг давлат аҳамиятига молик масала даражасига кўтарилиши шу соҳа мутахассислари олдига мазкур таълим мазмунини янгилаш, ўқитиш самарадорлигини ошириш, унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш каби қатор вазифаларни қўйдики, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шундай эътиборга молик ишлардан бири ўн йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Ўзбек тили» таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжуманидир.

Анжуманнинг бу йилги йиғилиши Бухоро шаҳрида бўлиб, унда «Мактабгача тарбия муассасалари ва бошланғич таълим мактабларида она тили», «Олий таълимда она тили», «Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган муассасаларда давлат тили», «Махсус мактабларда она тили», «Таълим тизимларида эски ўзбек ёзуви», «Касб-ҳунар мактабларида она тили» бўйича шўъбаларда иш олиб борилади.

Ҳозиргача анжуман муҳокамаси учун «Тилсим топишмоқлари-нутқий фаолиятни шакллантириш омили» (Т. Зиёдова), «Халқ оғзаки ижодий тилинутқ ўстириш манбаи» (Б. Тўйчибоев), «Она тилини ўқитишнинг янги технологияси хусусида» (Р.Бобокалонов, Г.Неъматова) қўлланмалари тайёрланди.

«Тилсим топишмоқлари» қўлланмасида она тилини ўқитиш методикасининг долзарб масалалари очиб берилган.

«Халқ оғзаки ижодий тили-нутқ ўстириш манбаи» рисоласи («Алпомиш» достони мисолида) нутқ маданиятининг товушлар билан алоқаси, оҳанг билан муносабати, урғунинг таъсири, сўзлардаги маъно муносабати каби масалалар мисоллар воситасида ёритиб берилган.

«Она тилини ўқитишнинг янги технологияси ҳақида» рисоласида эса, «Ўқитувчи-таълим-ўқувчи» тизимидан «Ўқувчи-таълим -ўқитувчи» тизимига ўтиш янги педагогик технологиянинг муҳим ва таркибий қисми эканлиги тажрибалар таҳлили асосида исботлаб берилган. Шунингдек янги дастур асосида тажриба-синов ишларини олиб бораётган ўқитувчиларимиздан бири О. Дўстмуродованинг бир соатлик дарси таҳлили берилган.

Шўъба йиғилишларида жойлардан келган синовга жалб этилган экспериментатор ўқитувчиларимиз ҳар бир чорак бўйича ўтилган мавзулар, синов дарслигида феъл нисбатларининг берилишидаги муаммолар, қўшма гаплар талқини, синов дарслигидаги айрим мавзулар ҳақида баҳс-мунозара юритиб, она тилини ўқитишнинг янгича тамойиллари хусусида тажриба алмашишлари мумкин.

Кумрихон СУЛТОНОВА,
Республика Таълим маркази методисти

Tajriba-sinov maydonchalarida

ЯНГИ ДАСТУРГА ХОС АДАБИЙ МАШҒУЛОТ

Бугунги давр адабий таълим зиммасига энг масъулиятли ва залворли вазифа юклаган. Ёш авлодни мустақил, ижодий фикрлайдиган, маънавияти юксак инсонлар этиб ўстириш, уларда миллий ғурурни шакллантириш, туйғуларини, ҳиссиётларини тарбиялаш, асосан адабиёт дарсларида амалга оширилади.

Ўзбек адабиёти бўйича синов майдончаси этиб белгиланган Тошкент шаҳридаги 274-мактаб педагогик жамоаси, янги дастур талабига хос салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Келинг, гапни бу масканда бошланган ишнинг боришидан эмас, эндигина нишона бера бошлаган натижасидан бошлай қоламиз. Чунки, давр, бозор иқтисоди шароити ишнинг натижасига қараб баҳо беришни талаб этмоқда.

Синов дастурининг энг муҳим талабларидан бири, ўқувчини ўқитиш эмас, ўқишга ўргатиш, матн билан ишлашга, муаммони ҳал этиш учун изланишга ва қидирганини топмагунча кўнгли тинчимайдиган даражага туширишдир.

Биз кузатишга кирган 9-«Б» синф раҳбари М.Валиева ўқувчиларнинг барчасини дастур ҳамда ўрганишга берилган бадиий асарлар билан таъминлаган экан.

Тажриба-синов синфининг шиори «Фикр қарамлиги, тафаккур қуллигидан озод бўлиб, мустақил фикрлашга ҳаракат қиламиз».

Мавзу: «Ўтган кунлар» романи бўйича баҳс-мунозара.

Ўқувчилар дарс аввалида адабиётга оид муҳим янгиликлардан бохабар бўлганларидан сўнг, ўқитувчи ўқувчиларнинг асарни ўқиган-ўқимаганликларини билиш мақсадида романнинг турли бобларидан саволлар бера бошлади.

— Роман қайси фасл билан бошланади?

— Мирзакарим қутидор Отабекни дастлаб қачон ва қаерда кўрган эди?

— Юсуфбек ҳожи қандай лавозимда эди?

— Зиё шоҳичининг уйидаги мажлис мавзуси нима эди?

Ўқувчилар ҳамма саволларга жавоб бера оладилар. Демак, асар тўлиқ ўқиб чиқилган. Ўқитувчи уларни баҳс-мунозарага чорлайди:

— Юсуфбек ҳожидек донишманд одам нима учун Ўзбек ойимнинг айрим қиликларини кўриб туриб унга ён босади?

— Ўзбек ойимни қоралайсизми? Уни нима учун ёмон кўриб қолмайсиз?

— Юсуфбек ҳожининг «биз ҳозир андишанинг бандаси» сўзларини изоҳланг. Андиша нима?

— Отабекнинг ота-она орзусига бўлган муносабатига қандай қарайсиз?

— Ўқитувчи ўқувчиларга «Ўтган кунлар» асарини ўқиш топшириғини бериш билан бирга олдиндан кўплаб саволлар силсиласи ҳамда муаммоли топшириқларни бериб қўйганки, ўқувчилар асарни мукаммал ўқимай туриб, мазкур муаммоларни ҳал этиш бўйича баҳсга кириша олмайдилар.

Қизғин баҳс-мунозаралардан шу нарса англашилдики, ўқувчилар асардаги ҳаммага ўхшамаган алоҳида қаҳрамонларни тушунишга, уларнинг ички кечинмаларини англашга, дардларини, оғриқларини ҳис қилишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг ранг-баранг фикрлари, ўз мулоҳазаларини баён этиш малакаларини кузатар эканмиз, «Ўтган кунлар» 9-синфга кўчирилиб тўғри қилинган экан, деган хулосага келдик.

Дарс кузатишга кирган турли вилоятлардан келган тажриба синов ишлари олиб бораётган ўқитувчилар, мутахассислар амин бўлдиларки, адабий машғулотни тўғри ташкил этиш, ўқувчиларни матн билан ишлашга ўргатиш ва муаммоларни ҳал этишнинг янги-янги усулларини излаш, топа билиш ва қўллаш ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини ишга солади, мудроқ туйғуларини уйғотади, фаолиятга ундайди.

Биз 7-«А» синфида кузатган Абдулла Қаҳҳорнинг «Даҳшат» ҳикояси асосидаги (ўқитувчи — Ҳусан Мўминов), 5-«А» синфида Ғафур Ғуломнинг «Менинг ўғригина болам» (ўқитувчи – Рихсия Шокирова) ҳикоясида инсонийликнинг улуғланиши» дарслари ҳам ўзига хос усул, услублар асосида машғулот ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлдик.

6-«Б» синфида ўтказилган «Зулфия шеъриятида вафо, садоқат ва ҳижрон туйғуларининг куйланиши» (ўқитувчи Ёқутхон Мўминова) дарсини кузатган анжуманнинг барча қатнашчилари ёқимли қўшиқ тинглагандай руҳий ором билан дарсдан чиқдилар.

Дастурнинг асосий талабларидан бири ҳам ўқувчи руҳиятини, қалбини тарбиялашдир. Ҳа, мазкур масканда меҳнат қилаётган фидойилар дастур мақсадларини тўғри, аниқ тушунганлар ва ўз фаолиятларини шунга йўналтирганлар.

Назира ҒУЛОМОВА,
РТМ бўлим бошлиғи

ХАБАРЛАРИ

HAMKORLIK

Ma'naviy yetuk kadrlar tayyorlash hozirgi zamonning dolzarb vazifalaridan biridir. Demak, har bir rahbar o'zining qo'l ostidagi xodimlariga, o'zlarining malakalarini, bilimlarini, dunyoqarashlarini oshirish uchun qulay imkoniyatlar yaratib berishi kerak.

Bu holni Buxoro viloyat bojxona boshqarmasida yaqqol ko'rishimiz mumkin. «Ma'naviyat va ma'rifat» jamoatchilik markazining Buxoro viloyat bo'limi bilan hamkorlikda boshqarmada muntazam ravishda «Ma'rifat» darslari olib borilmoqda. Markazning tajribali o'qituvchilari darslarni yuqori saviyada o'tkazib, xodimlarning diqqat-e'tiborini jalb qilib kelmoqdalar. Dars mavzularining qiziqarli, turli-tumanligi xodimlarda katta qiziqish uyg'otmoqda. Ushbu sa'y-harakatlar ish jarayonida o'zining natijalarini beryapti.

Otabek ADIZOV

HUQUQIY TARBIYAGA BAG'ISHLANDI

Ajiniyoz nomidagi Nukus Davlat pedagogika institutida huquqiy tarbiyaga bag'shlangan ilmiy-nazariy anjuman bo'lib o'tdi.

Anjumanda huquqiy tarbiyani yanada takomillashtirishning turli jihatlari, usullari yuzasidan institutning huquqshunoslik kafedrasi mudiri, dotsent Soliy Sodiqov, Qoraqalpog'iston Respublikasi adliya vazirining birinchi o'rinbosari Qurbonboy Seitnazarov, adliya vazirligining qonun loyihalarini tayyorlash bo'limi boshlig'i Zulfiya Bobojonova, Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi konstitutsion nazorat qo'mitasining boshlig'i Qarlig'ash O'marova, qoraqalpoq Davlat universiteti yuridika-tarix fakultetining dekani Botir Matmurodovlar ma'ruza qildilar.

G'oyib YOQUBOV

ХАБАРЛАРИ

МММ

Ta`kid

БУГУН ДАРСДА КИМ ЙЎҚ?!

Бу ҳар биримиз учун таниш, қадрдон савол. Шундай эмасми? Ахир жонажон мактабимизда ҳар бир дарс шу саволнинг жавобидан кейин бошланмасмиди?! Ўша пайтлари синф хоналари доирасида қолиб кетадиган бу савол бугун бутун мамлакат миқёсини эгаллади. Ўзбекистон мактабларида дарсда бугун ким йўқ? Нега? Чунки интизом анча бўшашиб кетган экан. Ёшларнинг дарсларга хоҳласа қатнашиб, хоҳласа қатнашмаслигига имкон яратиб қўйилганлиги улар орасида бекорчиларни кўпайтириб юборган экан. Бекорчилик эса ҳар турли бемазагарчиликларнинг бошланишидир. 16 февраль воқеалари халқимизнинг «Бекорчидан худо безор», «Саёқ юрган таёқ ейди» деган мақоллари нечоғлик ҳақиқат эканлиги яна бир бор тасдиқлади. Бу эса барчани сергаклантирди. Юзага келган салбий оқибатларнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 12 январда «Ижро интизомини кучайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шу асосда ўқувчи-талабаларнинг даваматини қатъий назоратга олиш мақсадида Республика халқ таълими вазирлиги 1999 йил 1 апрелда «Интизомни кучайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 53-сонли буйруғини чиқариб жойларга жўнатганди. Хўш жойларда буйруқ қандай бажарилянпти? Интизомни тўғри йўлга қўйишда қандай натижаларга эришилди?

ХТВда тузилган махсус комиссия яқинда жойлардаги вазият билан танишиб чиқиб, маълум хулосаларни чиқарди. Хўш, Республика мактабларида аҳвол қандай экан? Ўқишга муносабатчи?

Гарчи бир-икки кунлик текшириш билан масаланинг бутун моҳиятини қамраб олиш мушкул бўлса-да, республика мактабларида умумий давомат қониқарли дейишимизга асос етарли.

Лекин шу қисқа фурсат ичида ҳам бир қанча камчиликларнинг ошкор бўлганлиги жойларда ҳануз масалага етарлича баҳо берилмаётганлиги, тегишли хулосалар чиқарилмаётганлигини кўрсатади?

Масалан Самарқанд вилояти Сиёб туманидаги 10-,27-мактаблар, Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги 9-, 20-мактабларда вазирликнинг 53-сонли буйруғи ижроси талаб даражасида эмас, шу пайтгача мазкур туман ХТБлари ўз буйруқларини чиқармай, оғзаки тушунтириш билангина чегаралашган. Ҳатто юқорида санаб ўтилган мактаб директорлари кундалик давоматни таҳлил ҳам қилишмаган. Бу каби бепарволикнинг оқибати ҳамиша салбий бўлишидан натижалар ҳам дарак бериб турибди. Биргина 15 апрель куни 20-мактабнинг 9-«Е» синфида 17 ўқувчи, 9-«А» синфида 9 ўқувчи, 9-мактабнинг 9-«Д» синфида 16 ўқувчи, 9-«Г» синфида 15-ўқувчи ва ҳоказо... дарсга келмаган.

Шунингдек Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманидаги 8-мактабда, Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги 245-мактабларда аҳвол жуда ёмон. Қашқадарё вилояти Муборак туман ХТБга «машаққати оғирлик» қилганми, давомат доимий олиб борилмаган.

Боғот туманидаги 9-мактаб директори А. Ибодов, 20-мактаб директори А. Жалилов, Сиёб туманидаги 27-мактаб директори И. Орипов, 10-мактаб директори С. Султоновалар ўз касбига масъулиятсизлик билан қараганлиги учун «ҳайфсан» олишди.

Қашқадарё вилояти Нишон туманида маҳалла, ички ишлар, прокуратура аралашуви билан дарсга доимий келмаётган 16 ўқувчидан 6 тасини мактабга қайтаришга эришилибди.

Шу ўринда кўтарилган муаммонинг энг муҳим жиҳатига эътиборни қаратсак: болалар нима сабабдан дарсларни қолдиришяпти?

Ўтказилган текширувнинг мақсади ҳам бировга «ҳайфсан» бериш, бировни жазолаш эмас, ана шу саволга жавоб топиш эди. Дарвоқе, буни аниқлаш, зарур чораларни кўриш, ёрдам бериш юқоридан келадиган комиссиядан ҳам кўра маҳаллий раҳбарларнинг, аввало мактаб директорлари, ўқитувчиларнинг вазифасидир. Зеро улар ўқувчилари оиласининг шароити, ўқишга муносабатини билади, агар билмаса ўрганиши шарт. Ва дарсларга келмаётган ўқувчиларнинг ота-оналари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилгандагина муаммони ҳал этиш осон кечади.

Қисқаси, агар уни бартараф этишга сидқидилдан киришилса ҳал бўлмай қоладиган муаммонинг ўзи йўқ. Сурхондарё вилояти Музработ туман ХТБ мудири Саодат Иноятованинг айтишича, тумандаги оиласининг иқтисодий ночорлигидан мактабга келмаётган, тўғрироғи, келолмаётган ўқувчилар аниқланиб, уларга яшаётган хўжаликларидан, маҳаллаларидан ёрдам ташкил қилинаётган экан. Демак, чорасини топса бўлади.

Хуллас, оилада имконият, мактабда шароит муҳайё этилса, дарслар оҳанрабодек уни ўзига торта олса, яъни билим олиш энг севимли машғулотга айланса бола мактабдан қочмайди. Бундай шароитни яратиб беришга эса барча бирдек масъул.

Рустам БОЙМАТОВ,
«Маърифат» мухбири

«Ma`rifat»ga javob beradilar

«... НУРАЁТГАН МАКТАБ»

Эсингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 10 февраль сонида «Bir shaharda ikki manzara» рукни остида «Обод ва нураётган мактаб» сарлавҳали мақолада Термиз шаҳридаги мактабларда мавжуд бўлган хуш ва нохуш ҳолат тилга олинганди. Нохуш ҳолат юзасидан таҳририятимизга Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Б.Мирзаев имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

«Маърифат»нинг 1999 йил 10 февраль сонида журналист Рустам Давлатовнинг «... Нураётган мактаб» номли танқидий мақоласида Термиз шаҳридаги 3-мактабнинг таъмир ишларига оид фикрлар баён этилган.

Термиз шаҳридаги 3-мактабнинг таъмир ишлари бўйича комиссия хулосалари мавжуд. «Тўпалонг» сув қурилиш ташкилоти билан шартнома тузилиб, мактаб зинапояси таъмирдан чиқарилди. Зарур эҳтиёткорлик чоралари амалга оширилди. Жумладан, коридор полларининг бир қисми қайта таъмирланди, ялпи таъмирлаш учун лойиҳа тузилиб, чора-тадбирлар белгиланди.

1998-99 ўқув йилида ота-оналар ва халқ таълимининг кучи билан мактаб биноси жорий таъмирланди.

Шу ўқув йилининг ўзида ўқитувчиларнинг самарали меҳнатини ҳисобга олиб, вилоят халқ таълими бошқармаси ушбу мактабга компьютер совға қилди. Мактаб озода, шинам, энг ибратли мактаблардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Термиз шаҳридаги 3-мактаб авария ҳолатидаги мактаб эмас, лекин ялпи таъмирлаш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Maktabgacha ta`lim

ИЗЛАНИШДАН ИЗ ҚОЛАДИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Шодиёна» аталмиш 304-болалар боғчасида яқинда «Мактабгача таълим муассасаларида янги педагогик технология усулларини қўллаш» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Мазкур семинар-кенгаш Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг мактабгача таълим бўлими томонидан ташкил этилиб, унда пойтахтимизнинг кўпгина мактабгача таълим муассасаларидан келган амалиётчи мутахассислар иштирок этдилар.

Анжуман қатнашчилари Юнусобод тумани боғчалари тарбиячиларининг илғор иш тажрибалари акс этган кўргазмалар растаси, 304-боғчада янги педагогик технологияни қўллаш учун қандай шарт-шароитлар яратилгани билан яқиндан танишдилар. Жумладан, боғчада турли ўйинлар орқали компьютер сабоқлари ёрдамида кичкинтойларнинг машғулотларда олган билимлари мустаҳкамланаётгани, тасвирий фаолият билан шуғулланишга барча зарур ашёлар бадастур этилган алоҳида хоналарнинг жиҳозланиши меҳмонларга манзур бўлди.

Айниқса, боғчадаги соғломлаштириш шифохонаси фаолиятининг яхши йўлга қўйилгани диққатга моликдир. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган соғломлаштириш шифохонасида малакали мутахассислар болажонлар саломатлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишлари, физиотерапевтик муолажалар, массаж ва бошқа хоналар кичкинтойлар хизматида эканлиги диққатга сазовордир.

Боғча фитобарида шифобахш доривор гиёҳлар дамламасидан тайёрланган хушбўй ичимликлар, кислород кўпиги лаззатидан меҳмонлар ҳам тотиб, баҳраманд бўлдилар.

Боғча ҳовлисида ҳар бир гуруҳнинг алоҳида айвон ва майдончалари тиниб-тинчимас ва серҳаракат ширинтойларнинг турли фаолиятлари учун қулай тарзда жиҳозланган, мураббийларнинг ҳар бир дилбанд қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, педагогик жараённи тўғри ташкил этишгани мазкур жамоанинг ўзаро аҳил, баҳамжиҳат иш олиб боришидан дарак беради.

Семинар-кенгашнинг назарий қисмида «Мактабгача таълим муассасаларида янги педагогик технология усулларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари» тўғрисида шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти услубчиси Саодат Толипова ғоят қизиқарли маъруза қилди.

Болаларни мустақил фикр юритишга ўргатиш усулларини 205-болалар боғчаси тарбияланувчилари ва мураббиялари «Ўйла, изла, топ!» ўйин-машғулоти орқали намойиш этдилар. Шунингдек, 218-болалар боғчаси тайёрлаган «Коинотга саёҳат» мужассам машғулоти, 304-болалар боғчасининг кичкинтойларни мустақил фаолиятга йўналтириш бўйича «Сеҳрли усталар шаҳарчаси» композицияси мазкур семинар-кенгаш мавзуини амалий жиҳатдан тўлдирди.

Анжуман ишида иштирок этган меҳмонлардан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳ. Ахмедова, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Д. Алиева, Юнусобод тумани ХТБ мудири М. Одилова сўзга чиқиб, мазкур семинар мавзусининг долзарблиги, мактабгача таълим муассасаларининг эндиликда амалга ошириши зарур бўлган муҳим вазифалари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

304-боғча тарбиячиларидан Гулзийнат Ирисбоева халқ таълими аълочиси кўкрак нишони билан, Светлана Бондина Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар. Ушбу семинар-кенгаш ишини ташкил этиш ва ўтказишда фаоллик кўрсатган илғор мутахассисларга Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан «Шодиёна» боғчаси мудираси Гулчеҳра Йўлдошева жумладан, шундай деди:

— «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, асосий мақсадимиз фарзандларимизни мактабга соғлом, мустақил фикрловчи, ижодкор, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тайёрлаш бўлгани учун, таълимни ислоҳ қилишда энг асосий шахс — тарбиячи эканини унутмаган ҳолда, аввало ишни кадрлар танлашдан бошладик. Тарбиячиларимизнинг иқтидори, лаёқати, ижодкорлигини намоён эта билиш қобилиятига қараб, бир нечта мутахассисликлар бўйича малакаларини оширишга эътибор бердик. Ҳар бир тарбиячи ўз гуруҳида кичкинтойларнинг қизиқишини ҳисобга олиб, ижод қилишга ундайди, болани маълум фаолиятга йўналтиради, ота-оналар билан мунтазам равишда ишлайди. Боғчамизда ушу, каратэ, каби спорт тўгаракларида болажонлар жисмоний жиҳатдан чиниқсалар, халқ амалий санъати тўгарагида кулолчилик ҳунари билан, миллий либосларимиз билан яқиндан танишадилар, ўзлари ясаган шаклларни нақш унсурлари билан безатиш ишларига машғул бўладилар, фольклор тўгарагида эса, миллий мусиқий маданиятимизга ошно бўладилар.

Таълим масканимизда китобга муҳаббат уйғотиш орқали кичкинтойлар нутқини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, болалар учун кичик кутубхона ташкил этдик. Ҳар бир ота-она қизиқарли, ёркин ва рангли саҳифалар билан безалган китоблар билан кутубхонамизни тўлдиришга ёрдамлашди. Эндиликда катта ва мактабга тайёрлов гуруҳининг ҳар бир тарбияланувчиси ушбу кутубхонага аъзо этилиб, улар учун алоҳида карточка очилди. Бир ҳафта муддатга уйга китоб берилади. Ота-оналар ўз дилбандлари билан мустақил равишда шуғулланиб, шу китобча асосида бола ҳикоя тузади, эртак айтади. Аслида буни бир хорижлик дугонамиз Англияда болалар боғчасининг иш тажрибасидан сўзлаб берган эди, шу усулни биз ҳам қўлладик. Натижа — ёмон эмас.

Семинар-кенгаш ишининг якунида ХТВ Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова шундай деди: «Бугунги анжуман педагогик ишлари яхши йўлга қўйилган, намунали боғчада, илғор иш тажрибаси асосида ўтказилди. Ибрат бўларли таълим маскани раҳбарининг ўзи изланувчан бўлади ва жамоанинг ҳам юрагига чўғ ташлай билади. Ўйлаймизки, ушбу семинар-кенгаш амалиётчилар қалбига эзгулик уруғини сочди. Бу ердаги ишларни кўрган ҳар бир мутахассис ўзига ниманидир белгилаб олди ва ана шу эзгулик уруғини ўз жамоасида ундираги ва ривожлантираги, деб умид қиламиз»

Дарҳақиқат, изланишлар натижаси беиз кетмайди. Мураббияларимизнинг фаоллиги, ижодкорлиги, бола шахсига ҳурмат билан қараши, меҳнатга муносабати, янги педагогик технологияни қўллашда ўзига хос услублардан фойдалана олиши фарзандларимизни мактабга тайёрлашда ижобий самара бериши шубҳасиздир.

Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН қизи

ДИҚҚАТ!!! СИРТҚИ ТЕЛЕВИЗИОН ОЛИМПИАДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 4 январь 1999 йил 1-сонли қарорига асосан физика, математика, кимё, иқтисод фанларидан ўтказилган I-тур олимпиада савол-топшириқларига Республикамизнинг кўплаб ўқувчи ёшларидан жавоб хатлари келди. Олимпиада ўтаётган барча фанлар бўйича Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган вилоятларидан ҳамда Тошкент ва Қўқон шаҳарларидан келган жавоблар тўлиқ ва аниқ ишланган. Ҳакамлар ҳайъати жавобларни ўрганиб, таҳлил қилиб чиқдилар. Натижалар шуни кўрсатдики, бу йилги олимпиада олдинги йилдагиларга қараганда анча оммалашмоқда. Жавоблар савияси анча юқори, олимпиада масалалари ўқувчиларда жуда катта қизиқиш уйғотган.

Айниқса кимё фанидан математик тенгламалар системасига оид масалалар аниқ ечилган.

Баъзи ўқувчилар ҳар бир масалани бир неча усулда ечишга муваффақ бўлган. Берилган савол ва топшириқларнинг 50 фоиздан ортиғини ишлаган ўқувчилар II-турда қатнашдилар.

II-тур савол топшириқлари I-турга нисбатан бир мунча мураккаброқ бўлиб, ўқувчиларни ўйлашга, фикрлашга ундайди.

Қуйида II-тур савол ва топшириқлари 13-14 апрель кунлари телевидение орқали эълон қилинган физика, математика, кимё, иқтисод фанларидан савол ва топшириқларни келтирамиз.

Жавобларни қуйидаги манзилгоҳга юборишингизни сўраймиз:

700011, Тошкент, 11
Навоий кўчаси, 69,
Ўзбекистон телевидениеси
«Маърифат» Бош муҳарририяти.

МАТЕМАТИКА

9-СИНФ

1.Қандай энг кичик натурал n учун **999999 * n=III ... II** тенглик бажарилади?

2. Барча **n > 1** натурал сонлар учун n^4+4^n туб эмаслиги исботлансин.

3. Ушбу $a_1, a_2, \dots a_n$ сонларнинг ҳар бир 1 ёки -1 га тенг.

Агар $a_1a_2a_3a_4+a_2a_3a_4a_5+ \dots +a_na_1a_2a_3 = 0$, бўлса, у ҳолда n сони 4 га каррали бўлишини исботланг.

4. Ўлчови **10** x **10** бўлган шахмат тахтасини 25 та ушбу



кўринишдаги тетраминолар билан қоплаш мумкин эмаслигини исботланг.

5. Тўғри бурчакли учбурчакка ички чизилган айлананинг гипотенузага проекцияси, тўғри бурчак учидан қандай бурчак остида кўринади?

10-СИНФ

1. $x^{2y} = (x+x^1)^{2y} = (x+2)^{2y}$ тенгламани натурал сонларда ечинг.

2. [0; 1] ораликка тегишли ихтиёрий X_1, X_2, X_3, X_4 сонлари учун $X_1+X_2+X_3+X_4+1)^2 \geq 4(X_1^2+X_2^2+X_3^2+X_4^2)$ тенгсизликни исботланг.

3. ABC учбурчакнинг AF ва CE медианалари ўтказилган. Агар $\angle BAF=\angle BCE=30^0$ бўлса, ABC — тенг томонли учбурчак эканини исботланг.

4. Фазода ихтиёрий 7 та вектор олинди. Орасидаги бурчак 90^0 дан кичик бўладиган иккита вектор топилишини исботланг.

5. 9 та кетма-кет келган сонларнинг ичида бошқалари билан ўзаро туб бўлган биттаси топилишини исботланг.

11-СИНФ

1. $\frac{1}{2}, \frac{1}{3}, \frac{1}{4}, \frac{1}{5}, \dots$ Кетма-кетликдан 3 та ҳадли арифметик прогрессия ажратиб олиш мумкин: $\frac{1}{6}; \frac{1}{3}; \frac{1}{2}$ Юқоридаги кетма-кетликда 1999 та ҳадли арифметик прогрессия ажратиб олиш мумкинми?

2. $x^2-ax+1-b=0$ тенглама илдизлари натурал сонлар бўлса, у ҳолда a^2+b^2 ни мураккаб сон эканлигини исботланг.

3. **a** ва **b** натурал сонлари берилган. К нинг ихтиёрий қийматида $\frac{a^{k+1}}{b^k}$ бутун сон бўлса, у ҳолда $\frac{a}{b}$ бутун сон эканлигини исботланг.

4. О марказли айланага **ABCD** қаварик тўртбурчак ички чизилган. **ABOD** ва **BODC** тўртбурчакларнинг юзлари тенг эканлигини исботланг.

5. Берилган n та сонларнинг кўпайтмаси **p** га тенг. **p** ва берилган сонларнинг ҳар бирини айирмаси тоқ бутун сонга тенг. Берилган сонларнинг ҳаммаси иррационалалар эканлигини исботланг.

КИМЁ

9-СИНФ

1. Кипп аппарати ёрдамида карбонат ангидридни лабораторияда олиш учун сульфат кислотаси ва 3 хил туз $ZnCO_3$, $BaCO_3$ ва Na_2CO_3 бор. Қайси туздан фойдаланган бўлар эдингиз?

2. 3,20 г калий бромиди бўлган эритмага 6 г бром ва хлор аралашмаси таъсир эттирилди. Сўнгра ҳосил бўлган янги аралашма буғлатилди ва қолдиқ қуритилди. Қолдиқнинг массаси 2,72 г га тенг бўлса, таъсир эттирилган аралашма ичида неча фоиз хлор бўлган?

3. Намунада темир металли, темир (II) оксиди ва темир (III) оксиди мавжуд. Унинг таркибини аниқлаш учун намунадан 2 г олиб, унга хлорид кислотасини таъсир эттириб, 224 мл водород олинди, сўнгра намунадан яна 2 г олиниб, унга водород таъсир эттирилганда, 0,45 г сув олинди. Дастлабки таркибни аниқланг.

4. Кимёвий реакторда маълум температурада $A_{(г)} + 2B_{(г)} + 2C_{(г)} + Q$ мувозанат ўрнатилди. Сўнгра босим 3 марта температура эса 20^0 С га ошди. Агар тўғри реакциянинг температура коэффициенти 2 га, тескарисиники 4 га тенг бўлса, мувозанат қайси томонга силжийди?

10-СИНФ

1. Метан, бензол ва бошқа реагентлардан фойдаланиб α- фенилпропан кислотани синтез қилинг:

$AH_4 \rightarrow A \rightarrow Б \rightarrow В$

$CH_3 - CH - COOH$

$+ В \rightarrow Г D \rightarrow E \rightarrow$

А, Б, В, Г, Д, Е моддаларнинг тузилишини аниқланг.

2. Винилхлоридга водород хлориднинг бирикиш реакция тенгламаси ва механизмини ёзинг. Ҳосил бўлган моддани номланг.

3. Гептадиен-2,5-он-4 нинг сирка альдегиди билан конденсация реакция тенгламасини ёзинг. Ҳосил бўлган моддани номланг.

4. NaOH нинг 10 % ли 35 г эритмасига 2 г натрий гидриди солинса, ишқорнинг % концентрацияси қандай бўлади?

11-СИНФ

1. Ён занжирида 3 та углерод атоми бўлган C_9H_9Cl таркибли ароматик бирикма изомерлари формулаларини ёзинг. Уларни номланг.

2. Бензолдан қўшимча маҳсулотларсиз о-дихлорбензол ҳосил қилиш схемасини таклиф қилинг.

3. Номаълум х модданинг 6 г массаси кислородда ёндирилди. Ҳосил бўлган модда зичлиги 1,40 г/мл бўлган 37 % ли NaOH эритмасининг 38,57 мл. га шимдирилди. Бунда эритмадаги ишқорнинг фоиз миқдори икки баробар камайди. Ҳосил бўлган эритма н.ш. да 11,2 л CO_2 гази билан кимёвий боғланса, ёқиш учун қандай модда олинган?

4. Зичлиги 1,1 г/мл, масса улуши 20% бўлган хлорид кислотанинг 150 мл га 10 г магнетит - Fe_3O_4 қўшилди. Сўнгра ортиқча миқдорда темир металли ҳам қўшилди. Ҳосил бўлган эритмадаги моддаларнинг масса улушларини аниқланг.

ФИЗИКА

9-СИНФ

1. Қайиқ дарё сувининг тезлигига нисбатан 2 баробар кичик тезлик билан ҳаракатланади. Қайиқ оқимга нисбатан қандай бурчак остида ҳаракатланганда, оқизиб кетиш энг кам бўлади?

2. Кинофильм намойиши пайтида N=12 та спицали ғилдирак ҳаракатсиз бўлиб кўринса, кинога олиш пайтида арава қандай тезлик билан ҳаракатланган? Ғилдирак диаметри 1 м. Кинофильм 24 кадр/с тезлик билан олинган.

3. Ердаги жисмларга қуёшнинг тортиш кучи таъсир қилади. Жисмларнинг оғирлиги кундузи ва тунда бир хил бўладими?

4. Қаварик линза ёруғлик манбаи ва экран орасига қўйилганда, икки ҳолатда аниқ тасвирни беради. Манба ва экран ораси 90 см ва тасвирлар ўлчамлари бирбиридан 4 марта катта бўлса, линзанинг фокус масофаси нимага тенг?

5. Бир жинсли симдан расмда кўрсатилганидек ясалган қурилманинг А ва В нуқталари оралиғидаги қаршилигини топинг. Ҳар бир томоннинг қаршилиги R га тенг.



10-СИНФ

1. 20 см баландликдан тушаётган эластик шарча қия текисликка урилади. Шарча қия текислик сиртига иккинчи марта биринчи урилиш жойидан қандай масофада урилади? Қия текислик ва горизонт орасидаги бурчак 30^0.

2. Сувли идишга солиб қўйилган капилляр найча ичига иккинчи найча коаксиал жойлаштирилган бўлиб, унинг ички диаметри иккала найча оралиғидаги масофага тенг. Қайси найчада сув сатхи юқори бўлади ва неча марта?

Найчалар девори қалинлиги ҳисобга олинмасин.

3. q= 0,6 мкКл заряд ички радиуси r_1=20 см, ташқи радиуси r_2=40 см бўлган ҳалқа бир текис тақсимланган. Ҳалқа марказидаги майдон потенциалини аниқланг.

4. Келтирилган схемадаги конденсатор қандай кучланишга етганда тўла зарядланиб бўлади? Батарея қаршилиги нолга тенг.



5. Ичида 27^0 С ли азот бўлган идиш 100 м/с тезлик билан ҳаракатланмоқда. Агар идиш бирданига тўхтаса, газ босими қандай ва неча фоизга ўзгаради?

11-СИНФ

1. Учта нуқта тенг томонли учбурчак учларида жойлашган. Улар бир вақтда бир хил v тезликда ҳаракат бошлайди. Бунда биринчи нуқта иккинчисига томон, иккинчиси учинчисига, учинчиси-биринчисига ҳаракатланади. Қанча вақтдан кейин улар учрашади?



2. Жисмнинг тинч ҳолатдаги зичлиги ρ_0. Жисм қандай тезлик билан ҳаракатланганда унинг зичлиги 25 % га ортади?



3. Радиуси R бўлган сайёра зичлиги ρ бўлган сиқилмайдиган суюқликдан ташкил топган бўлса, шу суюқ сайёранинг марказидаги босимни топинг.

4. Заряди q бўлган m массали заррача қўзғалмас Q нуқтавий заряд атрофида элиптик орбита бўйлаб ҳаракатланади. Заряд билан Q заррача орасидаги энг кичик масофа r га, энг катта масофа эса R га тенг. Заррача Q заряд атрофида қандай T давр билан айланади?

5. Айлана шаклдаги симнинг иккита ихтиёрий А ва В нуқталарига манба уланган ва ANB ҳамда APB ёйлар бўйича ток ўтади. Айлана марказидаги магнит майдон индукцияси нимага тенг?

ИҚТИСОД

9-СИНФ

1. Банкнинг йиллик фоиз ставкаси 8% бўлиб, у мижоз омонатига ҳар кварталда фоиз ҳисоблаб, қўшиб боради. Қўйилган омонат қанча вақтдан кейин 3 баробар кўпайяди?

2. Товарга бўлган кунлик талаб функцияси: p=40-0,2 q, бу ерда p-товар нархи, q-товар миқдори. Товарни ишлаб чиқариш ҳаражатлари эса C=20+6q ифода билан аниқланади. Агар кунлик фойда 580 сўмни ташкил этган бўлса, бу товардан 1 кунда қанча ва қандай нархда сотилган?

3. Банк омонатлар учун 90% йиллик фоизни ваъда қилаяпти. Иқтисодчилар эса йиллик инфляция даражаси 50% деб айтишаяпти. Банкнинг реал фоиз ставкаси қанча?

4. Сотувчининг ойлик маоши 6000 сўм. Бундан ташқари унга сотилган ҳар бир товар учун 50 сўмдан қўшимча ҳақ белгиланган. Сотувчи бир ойда 1000 сўм иш ҳақи олиши, қўшимча ҳақ учун қанча миқдорда товар сотиши лозим?

10-СИНФ

1. А банкнинг йиллик фоиз ставкаси -7,9% бўлиб, фоизни ҳар ойда ҳисоблаб, омонатга қўшиб боради. В банкнинг фоиз ставкаси эса 8% бўлиб, фоизни ҳар кварталда ҳисоблаб омонатга қўшиб боради. 5000 сўм маблағингизни қайси банкка қўйган бўлар эдингиз?

2.Товар ишлаб чиқариш умумий ҳаражатлари **C=4+15q,** унга бўлган талаб **p=- q² + 20q+2** ифодалар билан аниқланади, бу ерда **10 < q <20**. Қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганда фойда энг катта бўлади?

3. Мамлакатда биринчи йилда инфляция 220% ни, иккинчи йилда эса нархлар олдинги йилга нисбатан 2,3 баравар ошди. Бу мамлакатда бу икки йил давомида нархлар неча марта ошган?

4. Корхонанинг йиллик ҳаражатлари 564500 сўмни ташкил қилади. Агар корхона йиллик фаолиятининг самарадорлиги 35% ни ташкил қилган бўлса, корхонанинг йиллик фойдаси қанча бўлади?

11-СИНФ

1. Маблағ банкка 12% йиллик фоиз ставкада, фоизни ҳар ярим йилда ҳисоблаш шарти билан жойлаштирилган яхшими ёки 11% йиллик фоиз ставкада, фоизни ҳар ойда ҳисоблаш шарти билан қўйган яхшими?

2. Монополист маҳсулотига бўлган талаб p=304 - 2q, ҳаражатлар эса $C=500+4q+8q^2$ ифодалар билан аниқланади. Товарнинг монополист учун энг мақбул баҳоси ва ишлаб чиқариш ҳажмини аниқланг.

3. Бир мамлакатда инфляция 500% ни ташкил қилиб, номинал иш ҳақи 3 баравар ошди. Реал иш ҳақи қандай ўзгарди?

4. х - дона маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳаражатлар миқдори $C=x^2 + 13x + 25$ ифода билан аниқланади. Қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганда маҳсулот таннархи энг кичик бўлади?

Yuzma-yuz

РЕКТОР ВА ТАЛАБАЛАР

«ТошДУ маданият саройининг катта залида университет ректори, Олий Мажлис депутати, академик Тўрабек Долимов билан талабаларнинг учрашуви ўтказилади. Барча талабаларни таклиф этамиз».

Афиша барча талабаларни қизиқтириб қолди. Университет ректори билан талабаларнинг мулоқоти нимаси биландир сирлидек эди.

Ректор залга кириши билан саволлар дўлдек ёғилди.

— Талабаларга қандай имтиёзлар бор?

— Сизнинг текин таълим олишингиз энг катта имтиёздир. Кутубхоналар ҳам сизнинг хизматингизда!

— Тўлов-шартнома асосида ўқишга кирган талаба фақат «беш»га ўқиса, бюджетга ўтиши мумкинми?

— Йўқ, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ҳеч ким бекор қилолмайди.

— Нима учун ҳарбий кафедрага талабалар билим билан киролмайди?

— Ҳар йили бу кафедра бизга 240 нафар талаба беришимизни сўрайди. Бизда эса талабалар сони 4 мингдан ортиқ. Шулар ичидан саралаб оламиз:

— Кутубхоналардаги бадиий адабиётлар ўқишга уйга берилмаслигининг сабаби нимада? Шанба, якшанба кунлари ҳам қироатхоналар ёпиқ.

— Ўринли савол. Буни ҳал қилиш мумкин! — ректор шундай дея савол ёзилган қоғозни чўнтагига солди.

— Домла ва талабалар орасида маҳаллийчилик кучли, бунга қандай қарайсиз?

— Ўқитувчилар адолатли бўлиши тарафдориман.

— Иқтисод факультетида компьютерлар сонини кўпайтиришнинг иложи борми?

— Мумкин қадар...

— Туғилган кунни ётоқхонада нишонлаш таъқиқланган...

— Меъёрида оби-тобида, чеки-чегараси билан туғилган кунни нишонлашга ҳеч ким қарши эмас.

— Жисмоний тарбия дарсида спорт майдончасидан фойдаланолмаймиз. Кўпинча у ер бегоналар билан банд?

— Биринчи ўринда майдон сиз талабалар учун. Ҳозирча стадион таъмирланаяпти.

— Журналистика факультети яқинда «Бешёғоч» мавзесига кўчириладми?

— Бу режадаги ишимиз!

Саволларнинг чегараси йўқ, ёшлар қизиқувчан. Бугунги давр ёшларининг қалби уйғоқ; улар чет тилларини ўрганишга иштиёқманд, компьютерга ўч, спортни севадилар.

Талабаларнинг «ичида»гини билгани учун ректор ҳам хурсанд. Таклифлар, мулоҳазалар ўринли.

Чўнтакка солинган савол эса ижобий ҳал бўлиши аниқ...

Зарбуви АЛҚАРОВА

Fanimiz fidoiylari

ДАЛА ПРОФЕССОРИ

Фан — чексиз уммон. Бу уммонга кирган киши нималарнидир ўрганиб, кашф қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу маънода у денгизга шўнғиган ғаввосдир. Бу мақсад муддао унинг узоқ йиллик изланишлари билан уйғунлашиб кетади. Илк илмий даража – фан номзодлигини ёқлаш ҳам табиийки, осон кечадиган жараён эмас.

Биология фанлари доктори, профессор Маҳди Абдуллаевнинг феъл-атвори шундай: номзодлик диссертациясини ҳимояга тайёрлаган аспирантларга лўндагина қилиб савол беради. «Қани, у 6-7 йил мобайнида нимани тадқиқ қилибди? Шунинг моҳияти нимада, буни асослаб бера оладими?» деган саволга аниқ, пухта жавоб олгиси келади.

Тўғрисини айтганда, бу ҳам фидойиликнинг бир белгиси. Ахир фан доктори, профессорман, деган кишиларнинг ҳаммаси ҳам Маҳди Абдуллаев сингари нуюнчак эмас. У кишига шогирдлари чиройли лақаб топиб қўйишган: «дала профессори».

Бухоро шаҳрида тавваллуд топган Маҳди Абдуллаев табиатсевар инсон. Табиат оламидаги сир-синоатлар уни ҳамиша ўзига оҳанрабодек тортиб келмоқда. Аввал Бухоро шаҳридаги 16-сон педагогика билим юртини, сўнгра педагогика институтини тамомлаган ёш йигит кейинчалик иккинчи жаҳон урушида ҳам ўз тақдирини синаб кўрди.

Урушдан кейинги йилларда Маҳди Абдуллаев илмий ишга қўл урди. Ўша йиллари Коғон туманида жойлашган Кўҳи-Мозор сув омбори қурилиб битказилганига бир йилча бўлиб қолувди. Ёш олим шу сув ҳавзасининг ихтиофаунасини ҳафсала билан ўрганишга киришди. Ихтиолог олим Г. Никольский унинг илмий ишига раҳбарликни ўз зиммасига олди. Сув ҳавзасидан олинган «проба»лар, уларни текшириш учун лаборатория кузатувлари. Ёш олимга бошлаган иши катта бир довонга ўхшаб туюлар, уни тезроқ ниҳоясига етказгиси келарди. Шу тариқа 1953 йилда «Кўҳи - Мозор сув омбори ихтиофаунасининг икки йил ичида шаклланиши» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимояга қўйди.

Биринчи поғона иккинчисига уланди. Домла докторантурани ихтиёр этди. У бу поғонани ҳам забт этишига ишонар, сув ҳавзаларининг муҳитини мукаммал билганлиги боис сира иккиланмас эди. 1955-69 йиллар Маҳди Абдуллаев учун изланиш ва тадқиқотлар йили бўлди.

«Ўзбекистон чўл зоналари сувликларидан ирригацион қурилиш даврида рационал балиқчилик ташкил қилишнинг биологик асослари» Маҳди Абдуллаевнинг докторлик диссертацияси шу мавзуни ўз ичига олар эди. 19 йиллик изланиш ҳазилакам гапми ахир?

... Маҳди Абдуллаев фан доктори, профессор даражалари соҳиби бўлгандан кейин ҳам илмий изланишдан узоқлашгани йўқ. Сув ҳавзаларини паспортлаштириш, уларнинг тропик даражасини аниқлаш, йўқолиб кетаётган балиқ турларини белгилаш ва уларни Ўзбекистон «Қизил китоби» га киритиш у кишини ҳамиша қизиқтириб келади. Овлаш нормаларини белгилаш, нормадан ортиқ балиқ овламаслик, сув ҳарорати, барибарининг меъёрини Маҳди Абдуллаев яхши билади.

Ўзининг 50 йиллик педагоглик фаолияти давомида 13 фан номзоди, битта докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилди. У кишининг изланиш ва тадқиқотлари 100 дан ортиқ илмий мақолалар, 3 та монография ва қатор дарсликларга жамланган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби М. Абдуллаев ташаббуси билан Бухоро Давлат Университетининг зоология ва экология кафедраси қошида аспирантура бўлими очилди. Маҳди Абдуллаев бир неча аспирантларга ҳозир ҳам илмий раҳбарлик қилиб, ўз билим ва тажрибаларини улар билан баҳам кўрмоқда.

Оққан дарё оқаверар экан. Ўзининг 75 йиллик баҳорини қаршилаётган Маҳди Абдуллаевнинг умрини сокин ва тошқин дарёга қиёслагимиз келади. Бу дарёнинг сувлари илм аҳлига «оби-ҳаёт» улашаверсин!

Д.НИЁЗОВ,
Ж. НАЖМИДДИНОВ,
Бухоро Давлат университети доцентлари,
И.МИРАБДУЛЛАЕВ,
УзРФА зоология институти сув зоологияси бўлими мудири

БИРНИ БЕРСАНГ МИНГ ҚАЙТАР

Янгийўл шаҳридаги «Ғишт - инвест» ишлаб чиқариш корхонасига қарашли болалар боғчасида корхона ишчиларининг 46 нафар дилбанди тарбияланаётир. Боғчада нуридийдаларнинг машғулот ўтказишлари, дам олиш ва овқатланишлари учун барча шароит муҳайё этилган.

— Боғча болаларини, дейди корхона раҳбари Ўткир Маҳмудов, — озиқ-овқат билан таъминлаш, уларга байрам либослари олиб беришни ўз зиммамизга олганмиз.

Мазкур корхона, шунингдек, шаҳардаги 5-, 13-болалар боғчаларини таъмирлашда ёрдам кўрсатмоқда ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бермоқда.

Ҳа, Ўткир Маҳмудов сингари болажон, саховатли инсонлар сафимизда кўпаяверсин.

Холмат Мирзакаримов

Суратда: мазкур корхонага қарашли болалар боғчаси мусиқа раҳбари У.ЧЕКАЛ ширинтойлар билан машғулот ўтказмоқда.

Муаллиф олган сурат.

An'ana

ЯКДИЛЛИК

Мактаб эшиги ота-оналар учун ҳамиша очиқ. Аммо улар оилавий ҳаёт ташвишларидан ортиб, бунга вақт тополмасликлари мумкин.

61-ўрта мактаб Ҳамза туманидаги намунали таълим даргоҳларидан бўлиб, бу ерда математика, информатика, инглиз тиллари мукаммал ўргатилади.

Бу даргоҳда ўқув йилининг сўнгги чорагида, «Очиқ эшиклар куни»ни ўтказиш анъанаси қарор топган. Бунга юкланган вазифалар анча: «Имкониятни қўлдан бой берманг!». Бўлғуси 1-синф ўқувчиларининг ота-оналари билан суҳбат. Математик шоуда шу фан ўқитувчиларининг ўз ўқувчилари билан ҳамкорлиги ҳақида сўз боради. Мақсад шуки, 5-синфдан бошлаб математиканинг «ичига» чуқурроқ кириб боришни истовчилар бунда аниқланади. Очиқ дарсларда ўқитувчи ва ўқувчи шахси намоён бўлмоғи керак. Мактаб «Маънавият ва маърифат» марказининг ижодкорлиги билан танишув.

«Очиқ эшиклар куни»га «юкланган» вазифаларнинг бирини муҳим, иккинчисини номуҳим деб айтиш қийин. Бу ҳақда мактаб директори Ҳалима Аҳмедова шундай фикрда:

— Анъананинг вужудга келиши бизда қийин кечгани йўқ. Боласининг илмли, ахлоқли, маънавияти бут бўлишини хоҳлаган ота-оналар очиқ эшиклар кунига бажонидил келишади. Биз улар билан фикрлашамиз, дилдан суҳбат қурамиз. Мактабимизда янги ўқув йилидан 4 та биринчи синфни ташкил этиш ниятимиз бор. Шу мақсадда октябрь ойидан бошлаб мактабга тайёрлов гуруҳи фаолият кўрсатди. Унинг машғулотларини бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудири Антонина Полтавцева олиб бормоқда. Бўлғуси ўқувчилар ҳарф таниб, математик амалларни бажаришга қўллари келиб қолди.

Директорнинг таъкидлаганича бор. Мактабга тайёрлов гуруҳи мактаби болани фаоллаштириши аниқ.

«Очиқ эшиклар куни»да бўлғуси 1-синф ўқувчиларининг ота-оналарига анкета саволлари тарқатилди. Саволлар мактабнинг ота-онадан, ўз навбатида уларнинг мактабдан кутадиган вазифаларини таҳлил қилиши билан аҳамиятли эди.

Тадбирда мактаб ҳаваскорларининг ранг-баранг чиқишлари намойиш этилди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Jurnalning yangi sonida

МЕҲР БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

«Мактабгача таълим» («Соғлом авлод учун» журналига илова) журналининг навбатдаги март сони нашрдан чиқди. Журнал «Таълим ислоҳоти» рукни остида «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» таянч дастури тажриба-синовда» мавзуидаги мақола билан бошланади. Мақола муаллифи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова болаларга таълим-тарбияни эркин, табиий тарзда сингдириш, болаларнинг мустақил фаолиятлари учун шароит яратиш зарурлиги, бола ҳоҳлаган пайтда ўйнаши, кулиши, меҳнат қилиши, табиатни кузатиш кераклиги, ана шундагина у шахс сифатида тўғри шаклланиши тўғрисида фикр юритади.

Қарши Давлат университети бошланғич таълим кафедраси муаллимаси Муборак Маҳкамованинг «Қамашида, «Бойчечак» болалар боғчасида амалиёт сабоқлари» деб номланган мақоласида эса «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» таянч дастурини амалиётда синаш жараёни «Бойчечак» болалар боғчасида ҳам давом этаётгани ва унинг натижалари хусусида сўз юритилади.

Баҳор фасли табиатнинг уйғониши, дов-дарахтлар, ўсимликлар парвариши билан шуғулланишга ундовчи давр бўлгани боис, эрта кўкламданоқ қорлар эриб, кунлар исий бошлагач, табиат ҳодисалари тўғрисидаги кичкинтойлар тасаввурларини мустаҳкамлаш баробарида, уларга янги билимлар бериш учун қатор меҳнат машғулотлари ўтказиш тавсия этилади. Шу сабабли Гулчеҳра Саъдуллаеванинг «Навбатдаги машғулотта» рукни остида берилган «Баҳор бошдир йил карвонига» сарлавҳали мақоласида яхшилик ва ёмонлик, шукроналик, меҳнатсеварликка оид қатор панду ўгитлар, амаллардан иборат машғулотлар тавсия қилинади. Журнал саҳифаларида шунингдек, шоир Саъдулла Ҳакимнинг «Жаҳоний иншоларда битилди ўзбек номи» шеърлар туркумини, Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур туманидаги 468-болалар боғчаси мусиқа раҳбари Наима Раҳимованинг «Исм танлови» бадиий-мусиқий композиция баёни, «Жаҳон педагогикаси хазинасидан» рукнида «Монтессорри - материаллари»нинг давомини ўқишингиз мумкин.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Bizning jahon chempionatimiz

«ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...»

Ҳақиқатан ҳам шундай. Ватан ва миллат шаъни учун номус ҳамда ғурур талашиб, орият майдонига тушдингми, бас, ўзингдан бошқадан шафқат кутма. Бунда фақатгина абжирлик, илоҳий куч-қувват, тан ва руҳ бирдамлиги ҳукмрон. Шунинг учун ҳам жаҳон чемпионатини жамики зўрларнинг аёвсиз синов чиғириғи деб аташади. Мана, гали келиб, ўзбекнинг энг сара, энг чапдаст паҳлавонлари ҳам миллий курашимиз бўйича дастлабки жаҳон чемпионатига дуч келдилар. Шу йилнинг 1-2 май кунлари пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида 50 дан ортиқ мамлакат полвонлари ғолиблик учун мардона кураш тушадилар. Айни паллада бундай улкан тадбирнинг барча тайёргарлик ишлари тугади ҳисоб. Паҳлавонларимиз 15 кундирки, тенгсиз машғулотлар домида тобланишди. Фурсатдан фойдаланиб, терма командамизнинг бош мураббийси Эргаш Худоёров билан бўлажак жаҳон чемпионати хусусида бафуржа суҳбатлашдик.

— Эргаш ака, дастлаб ўзбек курашининг шу кунгача дунёда тутган ўрни, шакли-шамойили ҳақида фикрлашсак.

- Мамлакатимизда барча полвонлар қадим-қадимдан фарғонача ва бухороча усулда курашиб келишган. Бизнинг курашимиз дзюдо, самбо, эркин курашдан кўп томонлама фарқ қилади. Устун томони шуки, бизникилар тик оёқда курашадилар. Мана шу жиҳати дунёдаги барча мутахассисларнинг ҳайратини ошириб келган. Илгари Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Мўғулистон, Россия, Гуржистон полвонлари мамлакатимизда бўладиган тўйларга, кураш сайиллларига келиб, бизникилар билан куч синашар эди. Мана, ниҳоят, курашимизнинг нуфузи янада ошиб, жаҳон чемпионати ташкил этилди. Кўпгина мамлакатларда кураш федерациялари тузилди. Самбо, дзюдо кураши бўйича жаҳон ва олимпиада чемпионлари бизнинг курашимизни янада улкан ҳавас билан ўрганишмоқда.

-Жаҳон чемпионатига ташриф буюрадиганларнинг ҳаммаси бизнинг курашимиз усулларини тўлиқ ўзлаштириб олганми? Яъни бизнинг полвонларни самбо, дзюдо, эркин кураш мусобақаларининг сезилмас усуллари билан доғда қолдирмаслиги кафолатланганми?





— Бизнинг курашни ўзлаштириб олиш унчалик мураккаб эмас. Унинг самбога ҳам, дзюдога ҳам яқин ва ўхшаш томонлари бор. Курашчилар оёқдан ушламаса бас. Шу кунгача ўқув қўлланмаларини тайёрлаб, дунёдаги барча мамлакатларга тарқатдик. Хорижликлар ҳам ўзига яраша маълумотга эга бўлишди. Жаҳон чемпионатининг ҳакамлари махсус қоидалар бўйича тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

- Терма командамизнинг асосий бўғинини қайси полвонлар ташкил этади?

— Маълумки, жаҳон чемпионати 73, 90 ва 90 дан ортиқ вазндаги полвонлар ўртасида ўтказилади. Биз ушбу уч вазн тоифаси бўйича 12 полвонни тайёрлаб, ҳозир уларнинг саноғини тўққизтага камайтирдик. Энг оғир вазнли полвонларимиздан Тоштемир Муҳаммадиев билан Эрали Маҳмарасуловлар ҳозир ҳар томонлама тайёр. Яна бир ўринга Муҳаммадўст Тошев, Ботир Ҳасанов, Шуҳрат Хўжаев ва яна икки полвонимиз даъвогар. Бироқ Ботир полвон машғулотлар пайтида оёғидан жароҳатланди. Агарда ўзини тиклай олса, у ҳам курашади.

— 90 кило вазндагиларнинг энг зўри, адашмасам, Армен Багдасаров билан Баҳром Авазов бўлса керак?

— Камол Муродов ҳам энг ишонганларимиздан эди. Эсингизда бўлса, у ўтган йилги Президент соврини халқаро мусобақасида украиналик 180 кг вазндаги полвонни мағлуб этганди. Афсуски, Камол терма командамизнинг машғулотига бир марта келиб қатнашди, холос. Менимча, жаҳон чемпионатида қатнашиш хоҳиши йўққа ўхшайди полвоннинг. Баҳром Авазов эса ҳамиша курашга тайёр турадиган йигитларимиздан.

— Энг кичик вазн тоифасидаги курашга кимларни қўймоқчисиз?

— Биринчи галда Маҳтумқули полвонга катта умид боғлаб турибман. Шунингдек, яна 3-4 полвон ғолибликка даъвогарлик қилмоқда.

— Чемпионатда иштирок этиши лозим бўлган курашчиларнинг ҳаммаси тйёргарлик машғулотларига чақирилдими?

— Худди шундай. Полвонларимизнинг ҳар биттасини чертиб-чертиб танлаб олдик. Термиздаги ат-Термизий мусобақаси асосий синов, саралаш баҳси бўлди. Унда ғолиб бўлганларнинг ҳаммаси бугунги терма командамиз таркибига киритилган. Шунингдек, дзюдо ва самбо кураши бўйича Осиё ва жаҳон чемпионлари ҳам синовдан ўтиб бўлди.

— Қайси мамлакат полвонлари бизникилар учун энг хавфли рақиб бўлиши мумкин?

— Менимча, ҳеч ким осонликча ғолибликка кўтарила олмайди. Спортнинг ўзига хос томони шуки, ушбу чемпионатда хорижнинг барча полвонлари ўзимизникиларга қарши тиш-тирноғи билан курашади. Негаки, улар фақат ўзбек полвонларидан чўчишади. Чунки кураш бизнинг миллий спорт туримиз ҳисобланади. Демак, вакилларимизга осон бўлмайди деяверинг...

— Ўз-ўзидан равшанки, жаҳон чемпионатлари билан бир қаторда бошқа халқаро мусобақаларда допинг қабул қилиш ва баъзан ҳакамлар томонидан ҳам ғирромлик учрайди. Сизлар бу борада қандай чора-тадбирлар қўлламоқчисизлар?

— Агарда бизнинг полвон ва мутахассисларни назарда тутаётган бўлсангиз, янглишасиз. Курашчиларимиз, ҳакамларимиз бундай адолатсизликларда анча йироқ. Хорижликлар масаласида эса махсус текширув комиссияси узлуксиз иш олиб боришади. Айбдор қаттиқ жазоланади. Чет эллик мутахассислар бу борада катта тажрибага эга.

— Хуллас, жаҳон чемпионати учун терма командамиз юз фоиз тахт. Ҳеч қандай муаммо ва камчиликлар йўқ, шундайми?

— Шундай. Қолганига тангри мададкор бўлсин. Насиб бўлса кураш зўр бўлади. Мамлакатимизнинг довруғи яна ҳам юксалади. Бу биз учун ҳам, полвонларимиз учун ҳам биринчи ва энг муҳим синов бўлиши аниқ. Ниятим, кимлигидан, қайси мамлакатдан келганлигидан қатъи назар, ҳалол ва мардона курашганларгина чемпион бўлсин.

— Айттанингизга мен ҳам тилакдошман.

Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди.

Xullas...

НУРЖОН МОМОГА ГУЛЛАР

Қаршингизда букчайган кампир, юзига қунган ажинлар, эти устихонига ёпишган қуллар, хиралашган кўзлар... Аммо бир асрлик «тарих»нинг ҳамон ҳаётдан умидлари бисёр.

Момолар 150 нафардан зиёд бўлиб, улар бир асрлик ёшни «уриб» қўйишди. Ҳаттоки 11 нафари 110 ёшга ҳам тенглашишди. Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан ўтказилган социологик тадқиқотлар шундай хулоса берди.

«1880 йилда туғилган». Ҳазорасп туманининг Карвак қишлоғида яшовчи Нуржон момо Буязованинг ҳужжатида ушбу қайдномани кўриш мумкин. Кўп сонли қариндошлари, 42 нафар невараси, 63 нафар чевараси онахоннинг 119 ёшини нишонлашди. Тантанада вилоят ташкилотларининг вакиллари ҳам иштирок этишиб, унга гул ва совғалар тортиқ этишди.

Диққатга сазовор жойи шундаки, узоқ умр соҳибаси бутун ҳаёти давомида ерда ишлаб, деҳқончилик билан шуғулланган. Уз қишлоғидан бошқа жойга боришни ҳавас ҳам қилмаган. Касалликлар бу аёлни ҳар доим «четлаб» ўтган...

КАРВОНСАРОЙГА МАРҲАМАТ!

Француз кинорежиссёри Клод Лелюш бизнесга шунғиди. Шу мақсадда у Исроилдаги Негев чўлларини ихтиёр этди. Қумлоқда қандай қилиб катта-катта миқдорда пул ишлаш мумкин экан?

Режиссёр чўлнинг қоқ ўртасида ҳашаматли карвонсарой тикламоқда. «Минг бир кеча» эртаклари руҳи сингдирилаётган бу қуноқда туркча қуринишдаги ҳаммом, боғ, канал ва расадхона бўлади. Работ қадимда карвонлар қуниб ўтадиган манзилнинг нақд ўзи.

Негев чўлларида ўрта асрлар муҳити жонлангандек бўлди. Карвонсаройга чўл «улови» — туялар ёрдамидагина етиб олиш мумкин.

МАОШ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ

Ишчилар маошининг кечиктирилиши барча мамлакатлар учун хос. Хорижий давлатларда ишчи-хизматчиларга иш ҳақи уз вақтида берилади, деб ўйласак, янглишамиз.

Швейцариядаги унча катта бўлмаган фирмалардан бирининг бошлиги 30 минг франк пулни, яъни уз ишчиларининг маошини «қарз»га олди. У тўлов тўғрисидаги таклифни осонликча қабул қилавермагач, ишчилар шефнинг фабрика дарвозаси олдида турган «БМВ» русумли лимузинини гаровга қўйишга қарор қилдилар. Қасаба уюшма раиси хўжайинни огоҳлантирди: «Агар қарзни қайтармасанг, машинангни зудлик билан сотиб юборишга мажбурмиз!».

Турган гапки, бойвачча 30 минг франк пулни муҳайё қилолмаган. Шефнинг дўқ-пуписа остида қолгани, «иш»нинг судга оширилгани, машинасидан ажралгани - бари-бари қонуний ва табиий. У энди ишчиларга маошни вақтида тўламагани учун жазоланишга маҳкум.

ana shunaqa gaplar...

ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Юнусобод туманидаги 70-мактабнинг 9-махсус банк синфи шу йилнинг 20 май кунигача тест синовлари асосида қабул давом этаётганлигини маълум қилади.

Қабул учун қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

1. **Ариза**
2. **3х4 фотосурат \2та**
3. **8-синф табели \4-5 баҳолар билан**

Манзил: «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси, NBU қаршисида.

Автобуслар: 9, 51, 60, 72, 67, 93, 95.

Sport maydonchasi

ЕТИБ КЕЛДИ

Яна икки кундан сўнг пойтахтимизда ўзбек миллий кураши бўйича илк бора ўтказилаётган жаҳон чемпионати бошланади. Етти иқлимдан ташриф буюрган не-не азамат полвонлар кучини кўрсатиш учун шай бўлиб туришибди.

ЁМОНМАС, АММО...

Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси футболчилари ўзларининг учинчи учрашувларини Ашгабат шаҳрида Туркманистон терма жамоасига қарши ўтказишиб, 1:1 ҳисобида дурангга эришди.

КУБОК ЭГАСИНИ ТОПДИ

«Осиё кубок эгалари кубоги»нинг чорак финалида «Пахтакор»ни «хафа қилган» «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) жамоаси футболчилари чиндан ҳам зўр экан. Улар ярим финал ва финал учрашувларида ҳам ғолибона юришини давом эттириб, қитъа «биллур соврини»ни қўлга киритишди.

ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

Ниҳоят, «даҳшатли» ўйинлардан сўнг Европа кубокларининг ҳам финалчилари аниқланди. Эндиги ҳал қилувчи баҳсларда: 1. Чемпионлар лигаси: «Бавария» (Германия) - «Манчестер Юнайтед» (Англия), 2. УЭФА кубоги: «Парма» (Италия) - «Олимпик» (Франция), 3. Кубок эгалари кубоги: «Лацмо» (Италия) - «Мальорка» (Испания) жамоалари беллашади.

ТЎПУРАР

Футбол бўйича олий табақа жамоалари Ўзбекистон чемпионати тарихида Равшан Бозоров («Нефтчи», «Пахтакор», «Самарқанд») фақат чемпионат ўйинларида рақиблар дарвозасига 100 та тўп киритган иккинчи футболчи бўлди, (биринчиси Олег Шацких).

QUTLOV

Ҳурматли Раҳим ҚОДИРОВ!

Сизни таваллуд топганлигингизга 55 йил, меҳнат фаолиятингизга 35 йил тўлиши муносабати билан муборакбод этамиз. Ёш авлод тарбияси йўлидаги барча хайрли ишларингизга ривож тилаймиз. Ушбу шодиёна кунда умрингиз узоқ, толеингиз янада порлоқ бўлишини, соғомон бўлишингизни тилаб қоламиз.

Бахмал туманидаги 51-таянч мактаб жамоаси

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 1999 йил май ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди. Курсларга мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари таклиф этилади:

1. Мактабгача таълим муассасалари мудиралари - 3-29 май кунлари
2. Мактабгача таълим муассасалари услубчилари - 3-29 май кунлари
3. Қисқа муддатли курслар: Мактабгача таълим муассасалари логопедлари - 3-15 май кунлари
4. Н.Ч. БМБ нутқида нуқсони бор болаларнинг махсус боғчаси мусиқа раҳбарлари - 3-15 май кунлари

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.

Телефон: 46-98-04. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг охирги бекати.

Yangi nashr

«ХОРАЗМ ИСТЕЪДОДИ»

Жорий ўқув йилидан бошлаб, «Хоразм истеъдоди» газетасини нашр қилиш йўлга қўйилди. Газета Хоразм вилояти ҳокими маҳкамасининг ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси нашри бўлиб, ҳар ойда бир марта 5000 нусхада чоп этиляпти.

Газетанинг биринчи сонида Хоразм вилояти ҳокими И. Юсупов , Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Р.Жўраев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Урганч қурилиш коллежи директори И.Бойжоноваларнинг янги газета ижодий жамоасига ва унинг ўқувчиларига йўллаган табрикномалари эълон қилинган. Шунингдек, Хоразм вилояти ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи П.Қаландаровнинг «Ислоҳотлар келажак асоси», Ҳазорасп туманидаги 18 - касб-ҳунар мактаби даректори Х.Мадраҳимованинг «Маънавият ва маърифат» марказида» номли мақолалари, «Илк Хоразм давлати» ва бошқа қизиқарли материаллар берилган.

Биз ҳам, уз навбатида, буюк алломалар бешиги бўлмиш Хоразм тупроғидан янги истеъдодларни етишиб чиқишига «Хоразм истеъдоди» газетаси муносиб ҳисса қўшади деб ишонамиз.

Ғойиб ЁҚУБОВ

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1999 йилнинг май ойига қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган

1.Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўйича) 3-29 май
2. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги тарих бўйича) 3-29 май
3. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги химия, биология бўйича) 3-29 май
4. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги география бўйича) 3-29 май
5. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги физика бўйича) 3-29 май
6. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги математика ва информатика бўйича) 3-29 май
7. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги рус тили ва хорижий тиллар бўйича) 3-29 май
8. Туман (шаҳар) ХТБ гуманитар фанлар бўйича методистлари курси 3-29 май
9. Ташхис маркази раҳбарлари 3-15 май
10. Мактаб амалиётчи психологлари курси 17 - 29 май
11. Мактабдан ташқари таълим мажмуаси директорлари 17 - 29 май
12. ЧЕТ раҳбарлари 17 - 29 май
13. ВПХМОИлар учун ҳуқуқ бўйича маърузачилар курси 3 - 15 май
14. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг директор ўринбосарлари (ўқув ишлари бўйича) 3-15 май
15.Кўзи ожиз болалар мактаб-интернат тарбиячилари 17-29 май. Барча курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади .

Хўжалик ҳисобидаги (режадан ташқари) курслар.

1.Мутахассислиги фан ўқитувчиси бўлиб, бошланғич синфларда дарс бераётган олий маълумотли ўқитувчилар касбий йўналиши бўйича хўжалик ҳисобидаги қайта тайёрлов курсларига қабул қилинади.

Ўқиш муддати 2 ой. Курс муддати 3 майдан - 28 июнгача.

2.Махсус таълим муассасалари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш бўйича хўжалик ҳисобидаги курс ўтказилади. Бу курсга Тошкент вилоятидаги ёрдамчи мактаб,мактаб-интернатлар ўқитувчилари таклиф этилади. Курс 1 майдан бошланиб, 4 ой давом этади. Курсга келганлар иш жойидан йўлланма ва маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси билан келиши лозим.

Тингловчилар учун марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар, санъаткорлар, ,атбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади. Вилоятнинг тармоқ касаба уюшмаларидан А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ қошидаги санаторий-профилакторийга пул ўтказганлиги ҳақидаги ҳужжат ва йўлланма (путёвка) билан келган тингловчилар 1-5 майгача санаторий-профилакторийга қабул қилинадилар.

Манзилимиз: Тошкент – 95. Талабалар шаҳарчаси. Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг «Талабалар шаҳарчаси» (охирги) бекатигача.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 156-мактаб томонидан 1998 йилда УМАРАЛИЕВ МАЖИДАЛИ ЖУРАЕВИЧ номига берилган O'R-A № 213565 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент туманидаги 36-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда ТОЛИПОВ КАМОЛИДДИН АСАТУЛЛАЕВИЧ номига берилган № 030030 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирликнинг жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Р. Саломовга онаси **Робия ая ШОВҚИЕВА** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирликнинг масъул ходими Т.Муҳитдиновга ўғли **Бахтиёр МУҲИТДИНОВ** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0282. Тиражи 47.450. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.